O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 7 октябрь № 209 (3484) Пайшанба


# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ САФАРИ

***Президент Ислом Каримов раҳбарлигида юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Буни қишлоқ хўжалигида юз бераётган туб ўзгаришлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зотан, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан ҳисобланган аграр соҳага эътибор янада кучайди. Қишлоқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида йилдан-йилга юқори натижаларга эришилаётгани ҳам ана шу эътиборнинг самарасидир.***



Юртбошимизнинг жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, қишлоқ аҳлининг турмуши билан бевосита танишиш учун вилоятларга ташриф буюриши анъанага айланган. Ана шу анъанага кўра Президент Ислом Каримов 6 октябрь куни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарини Қарши шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактаби билан танишишдан бошлади. Зеро, сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бинобарин, аскарларнинг мард ва жасур жангчи бўлиб етишишида ушбу мактабларнинг аҳамияти каттадир.

Шу боис Ислом Каримов аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида сержантлар тайёрлаш ишини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шарт-шароитини янада яхшилаш борасида мутасадди раҳбарларга зарур топшириқлар берди.

Президент Ислом Каримов Қамаши туманидаги "Азизбек Қўзиев" фермер хўжалиги даласида бўлган учрашувда деҳқон меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш масалаларига тўхталди.

Юртбошимиз шартнома мажбуриятини ошиғи билан адо этиб, айни пайтда ҳосилдорликни қирқ беш центнерга етказишни кўзлаётган ёш фермер Ойбек Қўзиев меҳнатига юқори баҳо берди.

Шу ўринда Президентимиз фермерлик ҳаракатига алоҳида тўхталди.

— Фермерлик осон иш эмас, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ҳавас қилган ҳар қандай одам ҳам фермер бўлавермайди. Бунинг учун ернинг тилини билиш керак. Шу боис ерни ўзининг ҳақиқий эгасига бериш зарур. Бу масалада қонун ва адолат тарозисига қатъий риоя қилиш даркор. Шундагина фермерлик ҳаракати биз кутган самарани беради.

Бугун деҳқон ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини яхши билади. Чунки меҳнатининг самарасидан ўзи тўла баҳраманд бўлмоқда.

Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев номидаги ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Қўйли Ҳасанов даласидаги деҳқонлар билан учрашув чоғида пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди. "Эрта эксанг — эрта ўрасан" деган нақл бор халқимизда. Бунинг амалий ифодасини Қўйли Ҳасанов даласидаги пахта мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу далага чигит март ойининг бошларида экилган эди. Бугун ҳар туп ғўзада ўттиздан зиёд чаноқ бор. Етиштирилган юқори ҳосил ғўзага вақтида сифатли агротехник ишлов беришнинг натижасидир. Шунинг учун пудратчи оиласи бу йил шартномада белгиланган 35 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқда.

Президентимиз ана шу пудратчи оила мисолида пахтанинг сифатли навларини танлаш, эрта экиш ва вақтида озиқлантириш юқори ҳосил олишнинг асосий гарови эканини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов наинки жанубий вилоятларимиз, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга йирик лойиҳалардан бири — "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли қурилиши билан ҳам танишди.

Умумий лойиҳа қиймати 450 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур темир йўл Қашқадарё вилоятини Ғузор ва Деҳқонобод туманлари орқали Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Қумқўрғон туманлари билан боғлайди. Стратегик аҳамиятга молик бундай йирик иншоот нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи марта бунёд этилмоқда.

Умумий узунлиги 223 километрни ташкил этадиган мазкур иншоот тўла ишга тушгач, йилига 60-65 миллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий самара беради. Поездлар ҳаракатини 184 километргача қисқартиради. Минглаб янги иш ўринлари очилади, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлади.

Истиқлолимизнинг ўн уч йиллиги арафасида ушбу темирйўлнинг 56,8 километрдан иборат "Тошгузар-Деҳқонобод" қисми ишга туширилди.

Мамлакатимиз раҳбари "Тошгузар" бекатида бўлиб, йўловчиларга яратилган шарт-шароит билан қизиқди.

Бу ерда бажарилиши лозим ишлар ҳали анча эканлиги маълум бўлди. Хусусан, йўловчилар учун зарур қўшимча бинолар қуриш даркорлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов поездда Деҳқонобод сари йўл олди.

Мамлакатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги "Саидносирхон" фермер хўжалиги пахтазорларида бўлди. Ушбу хўжалик ғалла ва пахта топшириш бўйича шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарган. Хусусан, пахта ҳосилдорлиги режадаги 30,7 ўрнига 41 центнерни ташкил этди.

Ислом Каримов хўжалик раҳбари Исахон Баҳромов ва теримчилар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг меҳнатингиз туфайли юртимиз обод бўляпти, — деди давлатимиз раҳбари. — Эл-юртни Ватан манфаати бирлаштиради. Сурхон воҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилаётганига, вилоят янги қиёфа касб этиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Ватанимизнинг равнақ топаётганини, юртдошларимизнинг меҳнатини кўрган кишининг ҳаваси келади. Бундай ютуқлар кишини қувонтиради, янги меҳнат зафарларига чорлайди.

Юртимизда деҳқон меҳнати муносиб тақдирланиб келмоқда. Президентимиз томонидан ушбу хўжалик жамоасига "Дамас" автомобили ҳадя қилиниши ҳам ана шундай ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига сафари ниҳоясига етди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Чори ТЎХТАЕВ,**
***ЎзА махсус мухбирлари.***
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ**
**олган сурат.**

*Маърифат соати*

***Умр — улкан синов. Унинг ҳали ечилмаган чигалликлари борки, буни ҳис қилиш, англаш мумкин, бироқ баён қилиш, бировга уқтириш анча мушкул. Зеро, биз яхши билган, яхши кўрган ҳаётнинг ўзи турли курашлардан иборат. Инсон учун берилган биргина яшамоқлик бахти эса ҳаёт ҳақиқатидир. Гоҳида турмуш ташвишлари билан чалғиб, атрофда содир бўлаётган воқеаларга деярли эътибор бермаймиз. Бошимизга кулфат тушганда эса огоҳлик ва сергаклик ҳаётимизнинг тинч ва фаровон ўтиши учун муҳим эканлигини англаймиз. Хўш, тинч-осойишта яшамоқ учун огоҳ бўлишга тайёрмизми?***

# Ҳалоллик огоҳликдир

Бир гал катта йиғинда ҳалоллик тўғрисида сўз кетди. Бугуннинг ёшлари ҳалоллик нима эканлигини билмай камол топаётганини кимдир афсус билан тилга олса, яна кимдир фақат ҳалоллик билан кун кечириш мумкин эмас, дея баҳслашарди. Ўйлаб-ўйланмай айтилган бу гаплар кўпчиликка оғир ботгани аниқ. Қанчалар аччиқ бўлмасин, бу ҳақиқат. Фақат чиройли жумлалар тузишда ишлатиладиган эмас, юрагимизда бор ҳалолликнинг қадри улуғ. Бир тасаввур қилинг-а, домла талабанинг билимига ҳалол баҳо қўйса... Ҳалол баҳоланган талаба — бўлажак мутахассис, эртага ўзига ишониб топширилган вазифани ҳалол бажаради. Ватан чақириғига "Лаббай!", деб жавоб беради. Унинг дилида она-юртга ҳурмат, яқинларига меҳр ҳисси жўш уради. Шифокор аҳволи танг юртдошидан тамагирлик қилмаса, аксинча, даволаш унинг хизмат вазифаси эканлигини унутмаса, бундай юртда фаровонлик, одамлар орасида ўзаро ишонч бўлади. Огоҳлигимизнинг илдизи ҳам худди шу ерда. Негаки, кўнгли пок инсон ғаразли мақсадларга эргашмайди, ўзлигига хиёнат қилмайди.

Тинчлигимизга таҳдид солаётган террор бутун инсоният учун хавфли. Энди ҳар бир давлат террорчилик ёвуз кучга айланганини, инсониятга зарар келтираётганини, унга қарши биргаликда кураш олиб борилиши зарурлигини тушуниб етди. Демак, ҳеч ким четда турмаслиги керак. Биз ҳам террор оқибатида азият чекдик, яқинларимизни йўқотдик. Шу йилнинг 29-31 март кунлари Бухоро вилоятининг Ромитан туманида, Тошкент шаҳрида содир бўлган воқеаларни унутганимиз йўқ.

Яқинда халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан кўтарилган масалалар эртанги кунимиз, тараққиётимиз, қолаверса, келажагимиз учун ҳам муҳим эканлигини кўпчилигимиз яхши англаб етдик. Раҳбар масъулияти, ёшларга кўрсатилаётган эътибор хусусида ўртага ташланган фикрлардан айтиш мумкинки, бугун янгиланиш сари қадам қўяётган мамлакатимизда мансабини, обрў-эътиборини ўз манфаати йўлида суиистеъмол қилаётган шахслар қилмиши ҳеч қачон жавобсиз қолмаган. Зеро, ўзлигини, эркини барча нарсадан устун қўйган ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат ноҳақликка, қабиҳликка чидолмайди. У бир жунбушга келса, ҳар қандай ёвуз куч ҳам таслим бўлади. Хўш, ана шундай халқнинг келажагига хиёнат қилиш мумкинми?

Айтиш керакки, ўз мустақил фикрига, кучига, танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган инсон (хоҳ раҳбар-хоҳ ишчи бўлсин) доим эзгу мақсад сари интилади. У жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини билдиради, мушоҳада юритади, кези келганда, етти ўлчаб бир кесади. Муҳими, онгини ҳар хил фикрлар билан заҳарламайди. Бунга эҳтиёж сезмайди. Баъзан юртдошларимиз қаторида танлаган йўлидан оғишганлар ҳам учраб туради.

... Миробод туманидаги маҳаллаларнинг бирида миш-миш тарқалди. Нима эмиш, бир аёл кўчада варақа тарқатаётганда ушланибди. Ўйланиб қоласан, киши. Онгини

**(Давоми 4-бетда).**

## Ҳосилдорлик 45 центнерга етади

***Денов туманидаги генерал Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги аъзолари Сурхондарё вилоятида биринчилар қатори пахта етиштириш йиллик шартномасини бажардилар. Гарчи май ойининг ўрталарида ғўза пайкалларини дўл уриб кетган бўлса-да, деҳқонларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли баракали ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача 609 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта териб олиниб, давлатга 2 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо хомашё топширилди. Бу ютуққа Ш.Жўраев, А.Раҳимов, К.Бойқобилов, Ч.Алимова сингари бош пудратчилар катта улуш қўшдилар.***

***Собир Раҳимовчилар яна 700 тонна пахта териб олиб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар.***

*Илмий муассасаларда*

# Янги марказ иш бошлади

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида турли объектларнинг радиофаоллик даражасини ўлчаш ва атроф-муҳит мониторингини ўтказиш, турли элементларни таҳлил қилиш, улардаги мавжуд материалларни аниқлаш имконини берувчи Радиотаҳлил маркази очилди.***

Ҳозирги кунда рўй бераётган дунё воқеалари, ядро хавфсизлигига нисбатан халқаро талабларнинг кучайиши каби қатор масалалар ана шу Радиотаҳлил марказини ташкил этишни кун тартибига қўйди.

Шу боисдан, тегишли лойиҳа институт томонида ишлаб чиқилди ва Украина Фан ва технологиялар маркази ҳамда АҚШ Энергия департаменти Лоуренс-Ливермор илмий лабораторияси томонидан қўлланилиб, лойиҳа доирасида ускуналар сотиб олинди.

Радиотаҳлил маркази комплекс замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Ускуналар асосини ионлаштирувчи нурланишни юқори аниқлик билан қайд этувчи, атроф-муҳит ва материалларда моддалар миқдорини аниқлаш, сунъий ва табиий радиофаоллик даражасини ўлчовчи қурилмалар ташкил этади.

Маълумки, Ядро физикаси институти бу соҳада жаҳондаги энг йирик радиотаҳлил маркази саналади. Илмий муассаса барча манфаатдор соҳалар, хусусан, геология, тоғ-кон ва металлургия саноати, тиббиёт, экология, қишлоқ хўжалиги, криминалистика ва бошқа йўналишларни таҳлилий ахборот ва усуллар билан таъминлайди.

Бу ишларнинг юқори савияда олиб борилиши институтга йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ядро-физика лабораторияларини очиш ва бевосита жойларда таҳлил этиш имконини беради. Таҳлил этиладиган объектлар қаторига минерал хомашёлар, ўсимликлар, табиий ва ифлосланган сувлар, ер, ўғитлар, радиофаол ва ядровий материаллар киради. Жумладан, ядро ускуналари ёрдамида республика учун хавф туғдириши мумкин бўлган материаллар аниқланади.

Радиотаҳлил марказининг очилиши институтнинг таҳлил этиш имкониятини янада кенгайтирди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижий экспертларнинг фикрича, халқаро талаблар даражасидаги марказ республика илм-фан салоҳиятини акс эттирувчи муассалардан бири бўлиб қолади.

**Р.ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## УРУҒЛИК ПАХТА ТАЙЁР

***БУХОРО (ЎзА мухбири Илҳом САФАР).*** Бухоро вилояти деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш шартнома мажбуриятини адо этди. Қабул масканларига 30 минг тоннадан зиёд хомашё топширилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини маҳаллий шароитга мос "Бухоро-6" нави ташкил этди.

## МАҲАЛЛА ВА ТАДБИРКОР

Пойтахтимизда "Маҳалла: тадбиркорликни ривожлантириш ва атроф-муҳит масалалари" мавзуида семинар-тренинг бошланди. "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ушбу тадбирни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент Маркази (ЕХҲТ/ТМ) билан ҳамкорликда ўтказмоқда.

Икки кун давом этадиган анжуманда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, экология муаммоларини ҳал қилиш йўллари ва имкониятлари хусусида сўз юритилади. Семинар қатнашчиларига фуқароларга ўз бизнесини очиш, қонунчилик асосида иш юритиш, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш, молия манбалари — кредит, лизинг, шунингдек, чиқиндиларни қайта ишловчи технологиялар, экологияни ҳимоя қилиш каби масалалар бўйича тавсия ва маълумотлар берилади.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «Шарқ гўзали»

*Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш борасида Наманганда ташкил этилган "Шарқ гўзали" марказининг ўрни беқиёс. Наманган давлат университети доценти Замирахон Жамолова раҳбарлик қилаётган ушбу марказ қишлоқ кишилари ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишга, уларнинг турмуш тарзини яхшилашга ҳисса қўшади.*

*Айни пайтда 80 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари марказ қошида ташкил этилган тикувчилик ва ошпазлик курсларида таълим олиб, касбли бўлишди.*



**Суратда: "Шарқ гўзали" маркази раҳбари Замирахон Жамолова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

«Халқ сўзи» назоратида

# Имкониятлар ишга солинади



Газетамизнинг шу йилги 13 май сонида "Китоб бор, китобхон етарли, аммо..." сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Қорақалпоғистон Республикасида кутубхоналар мижозлар эҳтиёжини тўлиқ қондира олмаётгани, улар учун етарли шарт-шароитлар яратилмагани, газета ва журналларнинг кутубхоналарга етиб боришидаги муаммолар баён этилган эди.

Мақола юзасидан яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Фан, таълим, маданият, ижтимоий ривожланиш ва жамоат ташкилотлари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари масалалари қўмитаси раиси К.РЕЙМОВ имзоси билан келган расмий жавобда таъкидланишича,

*Қўнғирот туманидаги марказий кутубхона ва қишлоқ жойлардаги кутубхоналар учун бугунги кун ҳолатига кўра 171284 сўмлик янги китоблар олинган. Шунингдек, "Қорақалпоққитоб" масъулияти чекланган жамияти ҳисобига 400.000 сўм миқдоридаги маблағ ўтказилиб, бадиий, илмий-оммабоп адабиётлар харид қилинган. Ушбу туманнинг қишлоқ кутубхоналарига марказий ва маҳаллий газета-журналларга обуна уюштирилган. Қишлоқ жойлардаги қатор кутубхоналарда таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.*

*Мақолада кўтарилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш юзасидан кутубхоналар, нашриётлар, китоб савдоси мутасаддилари ва бошқа ҳомий ташкилотлар мавжуд имкониятларни сафарбар этмоқда. Ушбу масала Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгаши томонидан доимий назоратга олинган.*

# Сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар

### мунисиб номзодлар танлаш имконини беради

Ҳаётда ҳар хил тоифадаги кишилар бор. Биров ишни рисоладагидек бажарсам, деса, баъзилар уни ими-жимида уддалаш пайида бўлишади. Айтайлик, айни сайлов кампаниясида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари муайян миқдорда имзо тўплаши зарур. Ана шу жараёнда имзолар қалбакилаштирилмайди, деб ким кафолат бера олади? Албатта, ҳеч ким.

Гапни бундай бошлашимизнинг боиси — айни пайтда сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган имзо бланкаларига имзо тўплашаяпти. Бу борада ҳар қандай ҳолатни ҳисобга олиш мақсадида иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга мувофиқ, эндиликда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар тақдим этган имзоларнинг қонунийлигини аниқлашда ички ишлар органлари, адлия идоралари ва аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб қилиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги эса округ сайлов комиссияси томонидан текширилади. **«23[1]-модда. Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини сайлов комиссиялари томонидан текшириш»** деб номланган ушбу моддa киритилиши, шубҳасиз, сайловнинг адолатли шарт-шароитлар асосида ўтишига хизмат қилади.

Ўзингизга маълум, Олий Мажлис ҳозирги таркибда 250 депутатлик ўрнига эга. Икки палатали парламентга ўтилгач, Қонунчилик палатаси доимий ишлайдиган 120 депутатдан иборат бўлади. Демак, бундан кейин, Сенатни назарда тутмаганда, сайлов аввалгидан икки баравар кам ўрин учун ўтказилади. Табиийки, номзодлар ўртасидаги рақобат анча кучаяди. Шунинг учун ҳам Қонуннинг 23-моддаси биринчи қисмидаги «камида юз нафар» деган сўзлар **«камида уч юз нафар»** деган сўзлар билан алмаштирилди. Соддароқ қилиб айтганда, парламент қуйи палатаси депутатлигига номзодини сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатмоқчи бўлганлар, аввало, ана шу рақобатни жиддий ўйлаб кўришлари зарур.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар иштироки йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб айтганда, халқаро майдонда ўз ўрнини топиб, юксалиб бораётган мамлакатимиз парламентида ҳам хотин-қизларнинг ўз мавқеи бўлиши, табиий. Шу боис Қонуннинг 22-моддаси **«Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим»** деган тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Ушбу моддадаги тўртинчи қисм эса тегишинча бешинчи қисм деб ҳисобланди.

Хулоса шуки, киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун янада такомиллашди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, эндиликда сайловларда халқнинг хоҳиш-иродаси тўлалигича ҳисобга олинади.

**Худойберди ЭШМАНОВ**
**тайёрлади.**

*Бугун Избоскан тумани қишлоқларини, Пойтуғ шаҳрини улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин.*

## Ҳар қишлоқда бир кошона

Ўтган куни Тўрткўл қишлоғида 900 ўқувчи ўрнига эга бўлган уч қаватли Агросаноат касб-ҳунар коллежининг муҳташам биноси қуриб битказилди. Бу вилоятдаги янги барпо этилган 21-ўқув даргоҳидир. Шундай қилиб Андижондаги касб-ҳунар коллежлари сони 69 тага, академик лицейлар эса 5 тага етди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ислоҳот ва самара*

# Фермерлик — иқтисодиётимиз таянчи

***Республикамиз аграр соҳасида хўжалик юритиш усуллари орасида фермер хўжаликлари тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Чунки бу шакл манфаатдорлик, ташаббускорлик, мулкка эгалик қилиш, мулкий жавобгарлик тамойилларига таяниб, тармоқда соғлом рақобат муҳити негизида ривожланаётир. Фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқи шундаки, мулк ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш бўйича вужудга келадиган масалаларни улар мустақил ҳал этадилар. Қолаверса, республикамизда фермерликнинг эркин ривожланиши учун барча шарт-шароит яратилган.***

Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузасида бу масалага алоҳида тўхталиб, «Нафақат қишлоқ хўжалигининг, керак бўлса, бутун иқтисодиётимизнинг келажаги мана шу вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди» деб таъкидлаган эди. Юртбошимизнинг «2004-2006 йиларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши эса фермерларнинг сифат жиҳатидан янада ўсиб, ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди. Ушбу ҳужжатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган илғор технологиялари ҳамда молиялашнинг услуб ва шаклларини танлаш, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини яратиш ҳамда ривожлантириш белгиланган. Шу билан бирга, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш, камида уч йил давомида зарар кўриб ишлаётган фермер билан ерни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва уни тарқатиб юбориш, фермерларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш учун жойларда бизнес мактаблари ташкил этиш, хизмат кўрсатадиган корхоналарни уч йил муддатга солиқлардан озод этиш каби кўплаб имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб бериш кўзда тутилган.



Бу — бежиз эмас. 2003 йилда фермер хўжаликлари 1998 йилдаги кўрсаткичга таққослаганда қарийб 4,1 баробар кўпайиб, 87500 тага етди. Уларга ажратилган ер майдонлари эса 4,7 баробар ортиб, 2,2 миллион гектарни ташкил этди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги жами суғориладиган ерларнинг 36,7 фоизи фермер хўжаликлари ихтиёридадир. Уларда 603 минг киши меҳнат қилмоқда.

Табиийки, фермерларнинг пахта ва ғалла етиштиришдаги улушлари тобора ортиб бормоқда. Масалан, 1998 йилда юртимизда етиштирилган жами пахтанинг 11 фоизи, бултур 37,8 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Ғаллачиликда эса бу кўрсаткич мутаносиб равишда 8 ва 36,2 фоизга тенгдир.

Бундан ҳам муҳимроғи, фермер ва ширкат хўжаликларининг 1998-2002 йиллар мобайнидаги фаолияти таҳлил қилинганда, фермерларнинг ердан ҳамда моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишлари натижасида маҳсулот таннархининг камайиши, рентабеллик даражасининг ошиши кузатилади.

Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Масалан, ширкат хўжаликларида кўпинча асосий эътибор иқтисодий кўрсаткичларга эмас, балки миқдорий рақамларга қаратилади, яъни раҳбарлар кўпроқ режани бажаришга ҳаракат қилишади. Улар маълум муддатга (кўпинча 2-5 йилга) сайланганлиги сабабли, ўзларини мулк эгаси, деб ҳисобламайди. Натижада хўжалик мулкини талон-торож қилиш ҳолатлари пайдо бўлади. Кўпчилик ишлар, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаги технологик жараёнлар илмий асосланган, кўп йиллик тажрибалар асосида исботланган муддатларда ва меъёрларда эмас, балки юқори ташкилотлар буйруқлари асосида амалга оширилади. Бу ўз навбатида ишнинг сифатига таъсир этиб, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига, етиштирилган маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирча айрим фермер хўжаликларида ҳам қарздорлик ҳолатлари кузатилмоқда. Бу кўпроқ ишни ташкил этиш ва уни юритишнинг моҳиятини тўғри тушунмасдан, шошқалоқлик билан ер олган янги фермерларда учрайди. Албатта, улар вақти келганда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беролмасдан, ўз ерларини нисбатан тажрибали фермерларга топширишга мажбур бўлишади. Шу боис бундай истиқболсиз фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишининг олдини олиш ҳамда республикамизда фермер хўжаликларини янада ривожлантириш мақсадида муайян қоидаларга қатъий амал қилиш талаб этилади. Айтайлик, фермер хўжалиги танлов асосида, фақат зарар кўриб ишлайдиган ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида эмас, балки заҳирадаги ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари ҳисобига ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётан ислоҳотлар, жумладан, фермерлик, яъни хусусий мулкчилик усулига ўтилиши халқимизни арзон ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун бу масалага жиддий эътибор бериш, фермерликни ривожлантиришнинг илмий асосларини яратиш, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, уларни давлат томонидан молиялаш тизимларини ишлаб чиқиш ғоят муҳимдир.

**Азамат ХУРРАМОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

## МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан учрашувда ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида юртимиз мутахассисларини ахборот ва телекоммуникация технологиялари бўйича Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишини ташкил этишга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## Патент экспертизаси — ихтиролар таянчи

***Ҳар қандай соҳа ва йўналишдаги ихтиролар тараққиётга хизмат қилади. Ихтирога патент берилиши эса интеллектуал мулк эгасининг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний жиҳатдан ҳимоя қилади. Шу боис бутун дунёда патент бериш юзасидан экспертиза ўтказиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.***

Кеча Ўзбекистон Республикаси патент идораси ва Европа патент ташкилоти ҳамкорлигида экспертиза ўтказишнинг баъзи жиҳатлари бўйича ишчи семинар бўлиб ўтди.

Бу хилдаги экспертиза ихтирога патент берилишидан аввал унинг жаҳон миқёсидаги янгилик даражасини текшириш мақсадида ўтказилади. Унда жаҳон илмий-техник адабиётларидаги изланишлар, олинган ахборотлар таҳлил қилинади, ихтирога патент бериш ёки уни рад этиш ишлари амалга оширилади. Айнан шу жараён ихтиро эгасининг ҳуқуқлари ҳажмини белгилашда масъулиятли ҳол саналади.

Семинарда халқаро тажриба алмашув доирасида патент изланишларини ўтказишнинг техник жиҳатлари, ахборот манбаларини баҳолаш усуллари, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўриб чиқилди.

**Р.ЁРЛАҚАБОВ.**



*Лолахон Муродова Олтиариқдагина эмас, Фарғона вилоятида ҳам ҳалол меҳнати билан донг таратганлардан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими. Марказий Фарғона чўли ҳудудида жойлашган «Нуробод» хўжалигига раҳбар. Опа бош бўлган жамоа бу йил 873 гектар ерда ғўза парваришлаб, мўл ҳосил етиштирди. Пахта йиғим-терими авжига чиққан шу кунларда кузги ғалла экиш ҳам давом этмоқда.*

*—Бу йил 828 гектар майдонга ғалла экишни режалаштирганмиз, — дейди Лолахон опа. — Яқин кунлар ичида пахта топшириш режасини бажарамиз. Деҳқоннинг юзи ёруғ бўлгани рўзғорига қут-барака кирганидир.*

**СУРАТДА:**
**Лолахон Муродова.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## «Тўёна» тамғаси билан

**Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида Марғилонда фаолият кўрсата бошлаган «Тўёна» гиламчилик қўшма корхонаси эллик нафарга яқин ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлади.**

**Жами қиймати 150 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилган қўшма корхонадаги ишлаб чиқариш ускуналарини хорижлик ҳамкорлар олиб келишди. Бу ерда ишлаб чиқариш замонавий компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.**

**Расул КАМОЛ,**
**«Туркистон-пресс»**
**мухбири.**



# Мева-сабзавот мўл

### лекин исрофгарчиликка йўл қўйилмайдими?

Ўлкамизда ғарқ пишиқчилик. Заминимизда етиштирилаётган турли хил мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни татиб кўриб, боғбон ва соҳибкорларнинг меҳнатига раҳмат айтмай илож йўқ. Мамлакатимиздаги ёз ноз-неъматлари бошқа ҳудудлардагидан ўзининг таъми, ширинлиги ва экологик жиҳатдан тозалиги билан фарқ қилади. Шу боис юртимиз қуёшидан тафт олган ширин-шакар маҳсулотларга нафақат қўшни республикаларда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Мутахассислар фикрича, жорий йилда об-ҳаво бирмунча қулай келганлиги сабабли, мамлакатимизда мўл-кўл мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Пишиб етилган, тез бузиладиган мева ва бошқа ёз ноз-неъматларини қайта ишлаш, яъни консерваланган ёки қуруқ ҳолда сақлаш учун бизда имкониятлар катта. Тўғриси, республикамизда бу борада маълум тажриба ҳам тўпланган. Ушбу вазифа билан республикамизда "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси шуғулланади. Айни пайтда тизимда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 19 та, қуруқ мева тайёрловчи 2 та акциядорлик жамияти мавжуд бўлиб, уларнинг 8 таси қўшма корхона ҳисобланади. Консерва корхоналарининг умумий ишлаб чиқариш қуввати 404,5 миллион дона шартли банка, қуруқ мева саноатиники эса 11920 тоннани ташкил қилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз мустақиликка эришгач, мазкур соҳада хориждаги ривожланган давлатлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг замонавий технологиялари олиб келинди. Масалан, Италия, Швеция, Австрия, Германия, АҚШ ва Англия каби мамлакатлар билан яхши алоқа йўлга қўйилди. Айни пайтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган турли хил мева ва сабзавотларнинг шарбатлари, пасталари, мурабболар, қиёмлар юртимиз истеъмол бозорини тўлдириш билан бирга, четга экспорт ҳам қилинмоқда.

Шаҳрисабз шаҳридаги "Мевалар камалаги" Ўзбекистон- Британия қўшма корхонасида Швейцариянинг "Тетра-Пак" фирмасида ишлаб чиқарилган жиҳозлар ўрнатилган бўлиб, у йилига 10 миллион дона пакет мева-сабзавотлардан турли хил шарбатларни қадоқлаш қувватига эга. Андижондаги "МАСК" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида эса дунёда энг қулай ҳисобланган 200 килограммлик асептик қопларда помидор ва мева пастаси, шунингдек, "Тянь-Шань" шифобахш булоқ сувлари ҳамда ҳар хил консерва маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. "Андижон дурдонаси" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида ҳам турли хил шарбат ва нектарлар ишлаб чиқариш учун Италиянинг "FBR", Австриянинг "ПКЛ" фирмалари дастгоҳлари ўрнатилди. Жамоа бир йилда 10 миллион дона қути маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхоналардаги ускуналар суюқ маҳсулотларни асептик усулда қадоқловчи дунёда энг илғор технология ҳисобланади.

Серқуёш заминимизда етиштирилган помидорларнинг сифати юқори бўлганлиги туфайли уларга хорижда ҳам талаб катта. Шу боис Россиядаги "Балтимор" фирмаси таъсисчилигида Самарқанд вилоятида "Балтимор-Челек" ва Жиззах вилоятида "Балтимор-Ғаллаорол" қўшма корхоналари ташкил этилди. Уларда турли мевалардан консервалар, томат пасталари ва кетчуплар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Корхоналар бир йилда 3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маълумки, илгари тунука идишларда қадоқланган томат пасталари жаҳон бозорида харидоргир бўлмай, тез бузилиб, сифатини йўқотиш хусусиятига эга эди. Эндиликда аксарият корхоналардаги томат пасталари 200 килограмлик асептик қопларда қадоқланади, бундай усул уларни юклаш ва тушириш учун ҳам ниҳоятда қулай ҳисобланади. Айни пайтда бундай қурилмалар Шаҳрисабз, Ғазалкент, "МАСК" ва Фарғонадаги корхоналарда ўрнатилган.

Шу билан бирга, соҳада баъзи муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ечиш шу куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Масалан, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган айрим туманлардаги деҳқонлар ҳамон помидор ҳамда савзавотларни 50-60 км йўл босиб, бошқа жойлардаги қайта ишлаш корхоналарига топширишмоқда. Бу, биринчидан, уларга қийинчилик туғдираётган бўлса, иккинчидан, маҳсулотларнинг сифатига таъсир қилаяпти. Ушбу масалани ҳал қилиш учун боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда кичик корхоналар ташкил этиш лозим.

*Долзарб мавзу*



Шунингдек, компания таркибида "Болалар таомлари" холдинг компанияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг корхоналари Янгийўл, Ғазалкент, Каттақўрғон шаҳарларидаги консерва ҳиссадорлик жамиятлари ҳудудларида жойлашган. Ушбу корхоналарда сабзавот ва мевадан болалар пюреси ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур йўналиш учун 51 миллион АҚШ доллари жалб этилган бўлиб, корхоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ҳар бир ўрнатилган линия соатига 3 тонна тайёр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Янгийўл консерва ҳиссадорлик жамиятида АҚШнинг "Тексуна" ва Германиянинг "Геофил" фирмаларининг ускуналарида тайёрланаётган маҳсулотлар 125 граммлик идишларда қадоқланади. Ғазалкент ва Каттақўрғон корхоналарида ҳам хориж ускунаси ёрдамида 200 килограмлик қопларда мева ва савзавот пюрелари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, болалар таомлари тайёрлашда Россиянинг нуфузли ва йирик "Нутрекс" компанияси билан ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Ҳамкорлик натижасида мева, сабзавот қиёмларидан сут қўшиб, даволовчи озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида Осиё болалар таомлари бўйича илмий-тиббий марказни ташкил этиш кўзда тутилаяпти.

"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси таркибида мева ва сабзавотлардан қуруқ маҳсулотлар тайёрлайдиган "Тўрақўрғон – Ширинлик" ва "Булунғур меваси" ҳиссадорлик жамиятлари мавжуд. Улар йилига 10 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, Италиянинг "Сандвиг" ва АҚШнинг "ФМС" фирмаларининг дастгоҳлари билан жиҳозланган. Тайёрланаётган маҳсулотлар МДҲ даги республикалар ва хорижга экспорт қилинаяпти. Кейинги пайтда соҳада маркетинг соҳаси ривожланиши натижасида маҳсулотларни экспортга жўнатиш ҳажми кўпайди. Масалан, бу кўрсаткич 1999 йилда 1294,9 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, ўтган йили 9100 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Шу билан бирга, соҳада ўзлаштирилаётган янги маҳсулотлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, биргина ўтган йили 16 хил ана шундай маҳсулот тайёрланди.

Жорий йилда ҳам тизимдаги корхоналарни замонавий ва хориждан олиб келинган асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилаяпти. Шунингдек, Фанлар академиясининг Микробиология институти билан тайёрланаётган маҳсулотлардаги микробиологик бузилишларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришда антибиотиклар ва фойдали биологик қўшимчалардан фойдаланиш, ёнғоқ мураббоси тайёрлашда ва меваларни тешиш жараёнини механизациялаш борасида иш олиб борилаяпти.

Умуман, мева-сабзавотларни қайта ишлаш консерва саноатида кейинги пайтда катта ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳали соҳада муаммолар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Масалан, айрим жойларда мева ва сабзавотни топширган ширкат, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ўз вақтида пулини ололмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу билан бирга, заминимизда етиштирилаётган барча ноз-неъматларни консервалаш ёки қуритиб маҳсулот олиш йўлга қўйилмаган. Қайта ишлаш саноати корхоналари ходимлари ҳар бир боғбон ва соҳибкорнинг олдига бориб ҳамкорликда иш юритса, бу масалани ечиш мумкин.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## «Ширин-санам»нинг савоб ишлари

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласида Хотин-қизлар клуби Тадбиркор аёллар ташкилоти аъзолари билан биргаликда ўтказган анжуманга маҳалла қошида тузилган «Ширин-санам» фирмасининг тақдимот маросими уланиб кетди. Маҳалладошлари ўртасида ҳалол ва фидойи меҳнати билан танилган тадбиркор Зулхумор Рўзиева очган ушбу фирмада маҳалла қизлари қандолатчилик, тикувчилик, сартарошлик ва тил ўрганиш бўйича махсус курсда машғулот ўтайдилар. Яқин вақт ичида фирмада ҳамширалик илми ҳам ўргатилиши кўзда тутилмоқда. Машғулотлар бошқа ўқув марказларига нисбатан анча арзон. Кам таъминланган хонадонларнинг фарзандлари учун бепул курслар ташкил этилган.

**Саодат ЖАББОРОВА.**

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

# МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ



***Мамлакатимизда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши чуқур рамзий маънога эга. Бундай туйғулар барқарор жойда аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик мустаҳкамланади. Инсоний фазилатлар жўш уради, эзгу амаллар авж олади. Энг муҳими, тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Тараққиёт олға силжиб, жамият гуллаб-яшнайди.***

## ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

— Биз, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Фахриддин Фазлиев, — ана шу жиҳатларни назарда тутиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган вазифаларни беками кўст бажаришга интиляпмиз. Бу ишга кенг жамоатчиликни, ҳомий ташкилотларни, саховатпеша кишиларни ҳам жалб қиляпмиз. Натижада тўққиз ойликда қатор ижобий натижаларга эришилди. Чунончи, 12 мингга яқин кам таъминланган оила вакилларига, қарияларга, ногиронларга ва майиб-мажруҳ болакайларга 439,4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қаровчиси ёки боқувчиси йўқ ёлғизларнинг, турмуш шароити ҳаминқадар оилаларнинг деярли барчасининг уй-жойлари хайр-саховат тариқасида бепул таъмирлаб берилди. Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, касталик туфайли тўшакка михланиб қолган, ҳеч кими йўқ 116 нафар фуқарога 16 ҳамшира доимий равишда бириктириб қўйилди. Кейинги пайтларда бу нажот маликалари сафи одамларга яхшилик улашиб яшашга иштиёқманд 55 нафар киши ҳисобига янада кенгайди. Улар ўзгалар парваришига муҳтож хаста-беморлардан 321 нафарининг хонадонларига бориб, қўлларидан келганича хизмат кўрсатмоқдалар.

Вилоятда байрам-тантаналар баҳона кам таъминланган оилалар фарзандларини ва ногирон ўғил-қизларни музейларга, театр ва кинотеатрларга, маданият ва истироҳат боғларига таклиф қилиб, очиқ эшиклар куни ўтказиш, тўкин-сочин дастурхон атрофида самимий мулоқотлар уюштириш ҳам хайрли анъана тусини олди. Отахону онахонлар вақти-вақти билан кўҳна шаҳар-қишлоқларимиздаги тарихий ва меъморий обидаларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, ногиронлар саломатлигини тиклашга, уларнинг эҳтиёжларини қондиришга эътибор кучайтирилди. Шунга мувофиқ, ҳозиргача кекса ва ногирон ҳамюртларимиздан 2563 нафари йўлланма бўйича мамлакатимиздаги энг яхши сиҳатгоҳларга юборилди. Давлат бюджетидан ажратилган 4,4 миллион, ҳомийлар томонидан берилган 21,6 миллион сўмлик маблағ эса ногиронлар аравачалари, эшитиш қурилмалари, қўлтиқтаёқ, ҳасса, протез-ортопедия мосламалари харид қилишга ишлатилди.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, Самарқанд шаҳридаги вилоят ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш маркази жамоаси фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Бундан олти йил бурун болалар шифохонаси ҳудудида қад кўтарган ушбу марказ 50 ўринли турар-жой биносига эга. Унинг ёнгинасида парафин ва сув воситасида даволаш бўлимлари, асбобли машқлар зали, бичиш-тикиш цехи ҳамда компьютер хоналаридан иборат мажмуа мавжуд. Врачлик-меҳнат экспертиза комиссияси йўлланмасига асосан марказга келиб, реабилитация курсини ўтаётганлар бу ерда касбий таълим олиб, малакаларини оширадилар. Пировардида ишга жойлашиш имтиёзини берувчи сертификатни қўлга киритадилар.

— Зеро, биз бурчимиз тақозосига кўра, аввало, васийлигимиздаги ногиронларни тўлиқ даволаб, фаол ҳаётга қайтарамиз. Шу асно уларга касб ўргатиб, ишли бўлишига ёрдамлашамиз, — дейди марказ раҳбари Матлуба Ўринова. — Бу борада жамоамизга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда ўзаро шартнома асосида ҳамкорлик қилаётган турли корхоналар яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Марказда республика "Ортопедик реабилитация" корхонаси филиали очилган. Унинг шарофати ила таянч-ҳаракат аъзолари издан чиққан катталар қатори йигирмага яқин бола қисқа вақт ичида протез-ортопедия буюмларига эга бўлди. Реабилитация муолажаларидан ўтганлар меҳнат қилиш қобилиятларини деярли юз фоиз қайта тикладилар.

Шубҳасиз, булар Самарқанд вилоятида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан амалга оширилаётган ишлардан бир томчи, холос. Томчида эса қуёш акси бор. Бу қуёш барча-барчамиз эъзозлайдиган, ҳамиша бир-биримизга илиниб яшайдиган ўзаро меҳр-оқибат, хайр-саховат, қўли очиқлик ва бағрикенглик қуёшидир!



## Эзгулик чегара билмас

*Самарқанд шаҳрида тўртта Меҳрибонлик уйи бор. Уларнинг барчаси нуфузли ташкилотлар оталиғига олинган. Жумладан, 6-Меҳрибонлик уйига вилоят ҳокимлиги, 11-Меҳрибонлик уйига шаҳар ҳокимлиги. 9- ва 10-меҳрибонлик уйларига эса вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳомийлик қилмоқдалар. Тарбияланувчиларнинг тугал таълим-тарбия олишлари, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бермоқдалар.*

*Табиийки, Меҳр ва мурувват йилида бу борадаги ишлар янада жонланди. Меҳрибонлик уйларидаги синфхона, ётоқхона ва ошхоналарни замонавий услубда жиҳозлаш учун ҳомийлар ҳисобидан жами 60 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, аудио-видео техникалар, гилам ва пояндозлар, электр ва хўжалик моллари, дори-дармонлар, ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Айниқса, шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан 11-Меҳрибонлик уйида барча қулайликларга ва асбоб-анжомларга эга спорт машқлар зали барпо этилгани болалар спортини ҳар қачонгидан ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Вилоят божхоначилари томонидан "Жигули" автомашинаси совға қилингани эса тарбияланувчилар мушкулини янада осонлаштирди.*

*"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими, "Нафис", "Самарқандгеология" ҳиссадорлик жамиятлари ҳам Меҳрибонлик уйларининг доимий ҳамкорлари ҳисобланадилар.*

***Ўша тонг аввал қишлоқда, ҳаял ўтмай бутун туманда дув-дув гап тарқалди: "Нима эмиш, Олим фермер Камол исмли йигитнинг никоҳ тўйига ажойиб совға ҳозирлабди. Унга қариндош-уруғ бўлмаса-да, битта сигирни текиндан-текинга ҳадя қилиб юборибди"...***

***Бу хабарни эшитиб, кимдир "Ҳақиқий бойнинг нафси тўқ бўлади, биринчи навбатда, ўзини эмас, бошқаларни ўйлайди", дея унинг ҳимматига тасанно айтди. Кимдир "Сохта обрў орттириш учун шундай қилгандир. Ҳали қараб туринг, мавриди келганда, пулини сўраб борса, ажабмас", дегандай мийиғида истеҳзоли кулиб қўйди.***

***"Юлдуз" фермер хўжалиги раҳбари Олим Хўжанов эса аксинча йўл тутди. Кейинги сафар ҳамқишлоғи Авазнинг тўйига ғунажин етаклаб борди.***

## Қўли очиқнинг — йўли очиқ

— Бугунга қадар менинг фарзандларим ўн битта эди, энди ўн иккинчиси пайдо бўлди. Бу — сенсан! — деди куёвни бағрига маҳкам босаркан, дангалига кўчиб. — Шунинг учун табригимни қабул қил. Илойим, ували-жували бўлиб, келиним билан бирга қўша қари. Мана бу ғунажинни эса ўз отанг тўёнаси қаторида кўр. — У мол арқонини Авазга тутқазгач, қўшимча қилди. — Эсингда бўлсин, чорвани бежизга етти хазинанинг бири дейишмайди. Астойдил парваришласанг, келажакда албатта ҳузурини кўрасан, бола-чақанг ҳам, ўзинг ҳам сут-қатиққа зориқмайсан...

Алқисса, тўй баҳона Нарпай туманининг "Ғалаба" ширкат хўжалигидаги яна бир янги оила сигирли бўлди. Ўтган гал Олим Хўжановни очиққўллигига шубҳа қилганлар бу сафар унинг тантилигига чин дилдан тан беришди. "Халқимиз бахтига унга ўхшаган фермерларимиз кўпаяверсин", деб дуо қилишди.

Ҳа, айтганча, қаҳрамонимизнинг фермерлик фаолияти бошланиши тарихи ҳам ўзига хос. У тайёрга айёр қабилида иш тутмади. Аксинча, йўқдан бор яратишга интилди. Дастлаб хўжаликнинг мутлақо қаровсиз қолиб кетган чорвачилик фермаси биносини сотиб олди. Уни минг бир машаққат-ла эпақага келтиргач, қорамолни кўпайтирди, наслини яхшилади. Бора-бора ғаллачилик ва пахтачилик билан шуғулланишни ҳам йўлга қўйди.

Шу тариқа, аввало, эр етган фарзандларидан беш нафарини, қишлоқдошларидан ўн саккиз нафарини иш билан таъминлади. Иккинчидан, сигирлар маҳсулдорлигини ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кескин оширишга эришди. Буларданам муҳими, ҳалол пешона тери эвазига жамғарган сармоясини баъзи бойваччаларга ўхшаб ўзи учун данғиллама ҳовли солишга ёки одамлар кўзини ўйнатиб, бадабанг тўй қилишга эмас, асосан савобли ишларга сарфлади. Аввалига қишлоқдаги иккита болалар боғчасини ва мактабни оталиғига олди. Ўшандан буён уларнинг кам-кўстидан бохабар бўлиб турибди. Ёзда мактаб таъмири учун пул ажратса, боғчаларга ҳар куни 10-15 литрдан сут етказиб беряпти. Ва яна: турли сабабларга кўра моддий жиҳатдан қийналиб қолган ҳамқишлоқларидан меҳр-мурувватини дариғ тутмаяпти. Вақти-вақти билан уларнинг жонига аро кираяпти — гўшт, ёғ, ун, гуруч каби кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари улашаяпти. Тўй-ҳашамларда эса, юқорида эслатганимиздек, ёш оилаларга сигир-у ғунажин совға қилаяпти.

Ўрни келганда, мамнуният билан таъкидлаш жоиз, Самарқанд вилоятида Олим Хўжановнинг сафдошлари кўплаб топилади. Улар фақатгина кам таъминланганлар, моддий ёрдамга муҳтожлар корига яраш билангина кифояланиб қолмаяптилар. Келажак авлод таълим-тарбияси учун ҳам астойдил қайғураяптилар. Шу мақсадда илм масканларига ҳомийлик қилишни ихтиёрий равишда зиммаларига олмоқдалар. Бу анъана, айниқса, Нурободда кенг оммалашган, десак, заррача адашмаймиз. Негаки, туманнинг Ғаллакор, Олға, Жарқудуқ қишлоқларида яшовчи Дўстмурод Бердиқулов, Эшмирза Ибодуллаев, Тўлқин Раҳимов сингари ўнлаб саховатпеша инсонлар мактабларга сидқидилдан кўмаклашмоқдалар. Ёки Ўртабўзлик Омонтош ҳожи Мавлоновнинг саховатпешалигини олайлик. У бундан тўрт йил муқаддам ўз ҳисобидан 150 ўринли мактаб барпо этганди. Янги ўқув йили арафасида эса, "Хайр қилсанг, бутун қил" деган ақидага риоя этиб, ўша билим даргоҳини бошдан-оёқ таъмирлаб берди.

Машойихлар тўғри айтишади: "Қўли очиқнинг — йўли очиқ". Бу нақл замиридаги чўнг ҳақиқат бугунга келиб Самарқанд вилоятида том маънода ўз исботини топмоқда. Ҳамюртларига беғараз меҳр-мурувват кўрсатаётган кишилар эл-юрт назарига тушиб, кўпчилик дуосини олмоқдалар. Шунданми, уларнинг ишлари йил сайин олдинга кетмоқда, халқ ўртасида обрў-эътиборлари тобора ошиб бормоқда.

### Рақамлар сўзлайди

Ҳозиргача вилоят бўйича 38079 нафар ишламайдиган, икки ёшга тўлмаган боласи тарбияси билан машғул оналар, 144117 та 16 ёшгача фарзандлари бор иқтисодий аҳволи ночор, 20977 та кам таъминланган оила мавжудлиги аниқланди. Уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан жами 11782,6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

**Вилоятда биттадан "Саховат" ва "Мурувват" уйи ҳамда ногиронларни реабилитация қилиш маркази мунтазам ишлаб турибди. Уларни капитал таъмирлаш учун йил бошидан буён бюджетдан 33,5 миллион, ҳомий ташкилотлар томонидан эса 13,7 миллион сўмлик сармоя сарфланди. Бундан ташқари, "Саховат" ва "Мурувват" уйларининг моддий техник базасини мустаҳкамлашга 16,3 миллион сўм ажратилди.**

Бугунга қадар вилоят миқёсида 276648 нафар фуқаро диспансер кўригидан ўтиши лозим эди. Амалда бу кўрсаткич 265724 тани ташкил қилди. Шу жараёнда даволаниши зарур деб топилган 165352 нафар бемордан 130845 нафари стационар, амбулатория ва уй шароитида муолажа олиб, соғлиғини мустаҳкамлади. 3139 кишининг бешдан тўрт қисмидан ортиқроғи эса сиҳатгоҳларда дам олиб қайтди.

**Ўтган тўққиз ой мобайнида ҳассага ва қўлтиқтаёққа эҳтиёжмандлардан барчасининг, эшитиш мосламасига муҳтожлардан 79 фоизининг, ногиронлар аравачасини олиш учун навбатда турганлардан 78,8 фоизининг, протез-ортопедия мосламаларига муҳтожлардан эса 27 фоизининг талаби қондирилди.**



***Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, ишсизлар ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол қатнашишга жалб этиш энг долзарб вазифаларда ҳисобланади. Шу боис вилоятда мустақиллик йиллари мазкур муаммога ижобий ечим топиш йўллари қидирилди. Айниқса, ишсизларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор берилди. Мақсадга эришиш учун ҳар бир туман ва шаҳарда меҳнат бўлимлари ташкил қилиниб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ишсизлар масалалари билан шуғулланувчи нозирлар бириктириб қўйилди. Меҳр-мурувват йили муносабати билан уларнинг фаолияти ҳар қачонгидан-да кучайтирилди. "Интилганга толе ёр" деганларидек, натижаси ҳам чакки бўлмади. Сўзимизнинг исботи сифатида баъзи далилларга мурожаат қилайлик.***

## Ишлининг кўнгли тўқ, ризқи бут ...

Жорий йилнинг саккиз ойи ичида вилоятдаги меҳнат шохобчаларига иш ва маслаҳат сўраб мурожаат этган 32216 фуқародан 27434 нафари халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. Қолганларининг аксариятига аҳолини иш билан таъминлашга оид қонун ва амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан ишсизлик мақоми берилиб, ижтимоий муҳофазага олинди. Юздан ортиғига муддатидан олдин пенсия расмийлаштирилиб, айримларининг ҳужжатлари ўрганиш ва муқим хулоса чиқариш учун мутасадди ташкилотларга юборилди. Салкам икки минг киши эса ҳақ тўланадиган жамоат юмушларига жалб қилинди. Деярли шунчасига ишсизлик нафақаси белгиланди.

Ёки бошқа мисол: одамлар мушкулини енгиллаштириш ва вақтини тежаш мақсадида сўнгги пайтларда вилоятнинг барча туман-шаҳарларида ҳар уч ойда икки мартадан "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" уюштирилмоқда. Уларда жорий йилнинг биринчи олти ойлигида 866 та корхона ва ташкилот 3221 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу асно кўплаб мижозлар, жумладан, 1475 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди, 2715 нафарига фойдали маслаҳатлар берилиб, жўяли йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Дарвоқе, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштиришга оид 504-сонли қарорида хотин-қизларнинг айни масаладаги муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган. Вилоятда шундан келиб чиқилган ҳолда қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Туман ва шаҳар ҳокимлари қарорларига мувофиқ 649 та корхонада яратилган 10500 та квота иш ўринларидан 1873 таси аёлларга ажратилди. Улар қаторида собиқ маҳкума бўлган тўққиз нафар аёл ҳам доимий иш билан таъминланди. Ўз навбатида, хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг имтиёзлари ва кафолатларини омма орасида тарғиб қилиш ниятида 49 марта семинар-тренинг ўтказилди.

Шу жараёнда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шаҳар-туманлардаги меҳнат бўлимларининг барчаси таъмирдан чиқарилди. Оқдарё туманида эса аллазамонлар қурилган, охирги йилларда батамом ташландиқ ҳолга келиб қолган ҳаммом ўрнида меҳнат бўлимининг янги биноси қурилди. Унда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, дам олишини кўнгилдагидек ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Бинонинг очилишига бағишланган тантана чоғи бўлим фаолияти ижобий баҳоланди. Жумладан, йил бошидан ҳозирга довур икки минг киши иш билан таъминлангани, мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани, қирқ киши касбга ўқитилгани, тўққиз киши ҳақ тўланадиган жамоат ишиларига жалб қилингани эътироф этилди.

Бундай илиқ сўзларни бошқа туман ва шаҳарлардаги меҳнат бўлимлари ҳақида ҳам бемалол айтиш мумкин. Муҳими, уларнинг эзгулик йўлидаги саъй-ҳаракатлари зое кетмаяпти: одамлар ишли бўлиб, рўзғорини тебратаяпти, ҳалол меҳнат қилиб, жамият ривожига ҳисса қўшаяпти.

## Бобосининг эвараси

Хабарингиз бўлса керак, яқиндан эътиборан республикамиз кинотеатрларида "Меҳрибонгинам" деб номланган янги бадиий фильм намойиш этила бошланди. Ўзбекистон халқ артисти Лутфилла Саъдуллаев режиссёрлик қилган ушбу асар Меҳр ва мурувват йилига бағишланган. Ғоявий жиҳатдан миллий қадриятларимизни, хусусан, халқимизнинг болажонлигини, етимларга ғамхўрлигини ва ўзаро вафо-садоқатини улуғлашга йўналтирилган.

Яна бир эътиборли томони — фильмдаги роллардан иккитасини Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон драма театри санъаткорлари ижро этишган. Чунончи, ўгай она образини республикада хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Мамедова яратган. Бош қаҳрамонлардан бири ҳисобланмиш сағир бола ролида эса шу театрнинг истеъдодли ёш актёри Аҳматилла Ниёзов суратга тушган.

Кўпчилик "Бу йигит ким бўлдийкин?" дейиши мумкин. Ажабланишга ҳожат йўқ: Аҳматилла санъат оламига адашиб, тасодифан кириб қолганлардан эмас. Ижодкорлик, таъбир жоиз бўлса, қонида бор. У марҳум шоир, драматург, режиссёр ва журналист Абдулҳамид Мажидийнинг эвараси. Айни пайтларда бобоси номидаги театрда режиссёр бўлиб ишламоқда. Энг муҳими, бошқалар каби у ҳам ўзига ишониб топширилган вазифани маромига етказиб уддалашга интилган. Етим бола ролини имкон қадар ишонарли ва табиий талқин қилган. Шу боис "Меҳрибонгинам" томошабинларга манзур бўлмоқда.



*Ҳаёт тасодифларга бой... Юсуф Қодиров штанга кўтариш билан шуғулланарди. Афсус, навбатдаги мусобақалардан бирида ногирон бўлиб қолди. Шунга қарамай, севимли машғулотини ташламади. Спортнинг армрестлинг тури ташаббускори, профессор Фитрат Керимовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ушбу йўналишда икки карра жаҳон чемпиони даражасига кўтарилди. Яқинда эса Афинада бўлган паралимпиада ўйинларида иштирок этиб қайтди.*

**СУРАТДА: Ю. Қодиров устози — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, спорт устаси М.Аҳмедов билан.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**



*Вилоят ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш маркази шифокорлари мижозларини фаол ҳаётга қайтариш йўлида ҳар қандай хизматга ҳозиру нозирдирлар.*

Муаммоларимиз

### Ҳар тўкисда бир айб

Жамоамизда элликка яқин малакали шифокор меҳнат қилади. Улар етти минг кишилик аҳолига тиббий хизмат кўрсатишади. Беморлар дардига биринчи навбатда ширинсўзликлари, хушмуомалаликлари билан малҳам қўйишга интилишади. Аммо кейинги пайтларда баъзи ҳамкасбларимиз одамларнинг уйига ўз вақтида бориб, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда бирмунча қийинчиликларга дуч келишмоқда. Чунки шифохонамизнинг тез тиббий ёрдам хизмати бўлими жойлашган бино анча эскириб, таъмирталаб бўлиб қолган. Боз устига, телефон ва радио алоқа ҳам замонавий техник воситалар асосида рисоладагидек йўлга қўйилмаган.

Агар мутасаддилар ва ҳомийлар бу борада бизга яқиндан кўмаклашсалар, эл дуосини олиб, савобга қолган бўлардилар.

**Адҳам САФАРОВ,**
**Қўшработ туманидаги Жўш ҳудудий шифохонаси бош шифокор.**

### Қишнинг қаҳри қаттиқ

Биз Истиқлолнинг 13 йиллигини қўшалоқ тантана сифатида нишонладик. Сабаби — байрам арафасида мактабимизнинг 800 ўқувчига мўлжалланган, спорт зали, кутубхона ва ошхонага эга янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни барпо этиш учун 250 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳовлиси ҳамда ён-атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қатор корхона-ташкилотлар, маҳалла-кўй, ота-оналар баҳоли қудрат ҳисса қўшишди.

Албатта, яп-янги, ёп-ёруғ синфхоналарда сабоқ бериш ва сабоқ олиш кишига завқ бағишлайди. Фақат бизни ҳалитданоқ бир муаммо жиддий ташвишга солмоқда. Уям бўлса, мактабимиз ҳозирча режага мувофиқ табиий газ билан таъминланмаган. Бу ёқда эса об-ҳаво тобора салқинлашиб, қишли-қировли кунлар яқинлашиб келмоқда.

Бас, шундай экан, ушбу юмушни бажаришни ўз гарданига олган вилоят газ таъминоти идораси аҳли лафзида туриши керак. Ҳарқалай, ёш авлод таълим-тарбияси ва саломатлиги тўғрисида мудом қайғуриш фақат ота-оналар-у ўқитувчиларнинггина эмас, ҳамма-ҳамманинг бурчидир.

**Муҳиддин МИРЗАНБОЕВ,**
**Жомбой туманидаги 1-ўрта мактаб директори ўринбосари.**

**Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» мухбирлари Абдунаби ҲАЙДАРОВ, Абдурасул САТТОРОВлар сафар қилишди.**

# Ҳалоллик огоҳликдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳар хил даъватлар билан заҳарлаган кимсалар ортидан эргашаётган "қондошимиз"нинг асл мақсади нима? Динни ниқоб қилиб, ўзгаларни ҳам жаҳолат ботқоғига ботиришдан унга не наф? Ўша ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳушёрлиги туфайли яна бир кўнгилсизликнинг олди олингани рост. Бугун ҳаёт ўзгараяпти, одамлар ўзгараяпти, фикрлар ўзгараяпти. Эҳтимол, уч-тўрт одамни йўлдан оздириш мумкиндир, аммо бутун бир халқни алдаб бўлмайди ва бу мумкин ҳам эмас.

Юқорида баъзи раҳбарларнинг эътиборсизлиги хусусида сўз юритгандик. Бу — бежиз эмас. Чунки тинчлигимизни таъминлаш қайсидир маънода уларга кўпроқ тегишли. Раҳбар фуқароларга ғамхўрлик қилишни билса, одамлар орасида унинг ҳурмати, обрў-эътибори янада ошади. Турмушдан, тўғрироғи, яшашдан норозиликлар юзага келмайди. Ҳалоллик бор жойда эса тотувлик, фаровонлик бўлади. Ваҳоланки, ўзи тинч, турмуши осойишта кечаётган инсон огоҳликни англабгина қолмай, ич-ичидан ҳис қилади, ўзгаларни бирдамликка, иноқликка етаклайди. Барқарорлигимиз, хавфсизлигимизнинг асоси худди мана шунда.

Бироқ раҳбарнинг ўзи адолатсизликка йўл қўйса, шунга бош бўлса, қонунни ҳам, инсофу диёнатни ҳам унутса, оддий одамлар дардини ким тинглайди? Охир-оқибат яна ўша лоқайдлик, бефарқликнинг илдиз отиб кетиши сергаклигимизга халал беради. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қачонки раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, тамадан, ғараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъиятлилик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлади.

Ҳозирги кунда тинчлигимиз, осойишталигимиз ҳақида ўйлаш, баҳс юритиш бир кунлик иш эмаслигини теварак-атрофимизда рўй бераётган баъзи воқеалар яққол кўрсатмоқда. Шимолий Осетия, Бесланда рўй берган ҳодисалар террористларга нисбатан нафратимизни янада кучайтирди. Бегуноҳ болаларнинг тутунлар орасида атрофдагиларга нажот билан термулиши, содир бўлган даҳшатдан омон қолганига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай, аросатда қолган инсонлар кўзидаги ёш вужудимизни титратгани рост. Бало оқибатидан ер билан бир текис бўлган иморатлар жароҳати битар, бироқ яқинларидан ажралган кўнгилларнинг кемтигига ким малҳам бўла олади?

Тинчлик биз учун азиз. У шундай қудратга эгаки, миллатлар, элатлар, халқларни бир-бирига бирлаштиради. Қаерда хотиржамлик бўлса, ўша ерда тараққиёт ривожланади, ҳаёт давом этади. Ана шундай юртда тинчлик сўзи қадрланади, қадр топади. Ҳатто «Шу юрт учун нималар қилишимиз мумкин эди-ю, нималар қила олдик?» деган саволга жавоб ҳам осонлик билан топилади. Тинчлигимиз, хавфсизлигимизни сақлаш учун қўлга қурол олишимиз шарт эмас, бунинг учун онг-шуури мустаҳкам, ақлан етук, ота-боболаримизга муносиб авлод бўлишимиз лозим. Зеро, менинг огоҳлигим — Ватаним тинчлигидир. Ҳар бир юртдошимиз бирдамликда ўз бурчини виждонан адо этсагина, юртимизнинг тинчлиги, осойишталигининг таъминланишига асос солади.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Изҳори дил*

# Мен сиздан шифо топдим

Касаллик сен билан ҳисоблашиб ўтирмас экан. Тўсатдан бел умуртқа чурраси туфайли ётиб қолдим. Ўнг оёғим ва белимнинг ишлаш фаолияти ёмонлашди. Бир ой касалхонада ётдим. Шифокорларнинг эътибор билан даволашларига қарамай, тузалишим қийин кечди. Шундан сўнг Тошкентдаги кўплаб шифохоналардан ёрдам сўрадик. Кейин билсак, менинг касалим фақат жарроҳлик йўли билан тузалиши мумкин экан. Лекин қарилигим ва умумий ҳолатим ёмонлиги туфайли операцияга бардош беролмаслигимни айтишди.

Ноилож қолиб, уйда Яратгандан ва яхши одамлардан нажот кутиб ётганимда, Таянч-ҳаракат тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика маркази директори Турсунмурод Эшиев мени кўргани келиб қолди. Касаллик тарихи билан танишганидан сўнг мени ўзлари раҳбарлик қилаётган марказда даволанишга таклиф этди. Марказда шифокорлар самимий кутиб олишди ва хушмуомалада бўлишди. Профессор Алишер Сатторов раҳбарлигида операция бўлиб ўтди. Шифокорларнинг беминнат хизматлари туфайли тезда олдинги ҳолатимга қайтдим, соғлиғим яхшиланди.

Марказнинг барча шифокорларига, айниқса, марказ директори Т. Эшиевга, бўлим раҳбари Ж. Нажмиддиновга, шифокор М. Элчибоевга, ҳамширалар Ҳилолахон ва Гулчеҳрахонларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Халқимиз бахтига бундай шифокорлар ҳамиша омон бўлишсин!

**Пўлат ҲАМДАМОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**

# Маърифатчилар мулоқоти

Фарғона вилояти марказий кутубхонаси болалар ва ўсмирлар бўлими ходимлари Фарғона шаҳридаги «Наврўз» маҳалласига ташриф буюришди. Маърифатчилар маҳалладаги йигирмадан зиёд етим, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иштирокида «Меҳр ва мурувват ҳамиша қалбларда яшасин» мавзуида шоу-викторина ўтказдилар. Мулоқот болажонларда катта таассурот қолдирди. Чунки бошқотирма саволларига тўғри жавоб берган ҳар бир бола китоб, дафтар, ручка, рангли қаламлар билан сийланди.

Мулоқот давомида энг юқори баҳо олган билимдонларга ҳомийлар совғалари тортиқ қилинди.

Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталувчи вилоят бош кутубхонасида бундай тадбирларни ўтказиш анъанага айланмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Тошкентда Индонезия Республикаси Мустақиллик куни ва ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон пойтахтидаги элчихонаси очилганининг 10 йиллиги ўзига хос тарзда нишонланди.***

# Тошкентда «Индонезия оқшоми»

**Ўтган шанба куни "Интерконтиненталь" меҳмонхонасининг "Амир Темур" залида ташкил этилган байрам дастури "Индонезия оқшоми" деб аталди.**

**Унда Жакартадан махсус ташриф буюрган рақс дастаси кеча иштирокчилари эътиборига ранг-баранг бадиий дастур тақдим этди. Пойтахтимиздаги "Офарин" рақс театри ижросидаги Индонезия миллий рақси ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.**

**Кечада индонезиялик таниқли модельер Этти Башеттанинг либослар коллекцияси намойиш қилинди. Индонезия элчихонаси қошидаги дипломатик ваколатхона вакиллари, жумладан, элчи иштирокида ташкил этилган ансамбль бамбукдан ясалган мусиқа асбоби ёрдамида ажойиб куйлар ижро этди.**

**Халқ ҳунармандлари маҳсулотлари кўргазмаси ва миллий таомлар намойиши ҳам кеча файзига файз қўшди.**

**Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси Ҳошим Салоҳ кечага ташриф буюрган меҳмонлар, жумладан, индонезиялик ва ўзбекистонлик санъаткорларга байрам оқшомидаги иштирок учун самимий миннатдорлик билдирди.**

**"Жаҳон" АА.**




50/50

Ўзингиздан эмас — «ЎзДЭУавто» автомобилларидан тежанг!

«ЎзДЭУавто» компанияси "Асака" банки билан биргаликда — **«ЎзДЭУ автомобиллари — кредитга!»** номли янги акциясини ўтказмоқда. Энди сиз, «ЎзДЭУавто» автомобилининг **50 фоиз** нархини тўлаб, унга эгалик қилишингиз, қолган **50 фоизини** эса, йиллик **16 фоизни** инобатга олган ҳолда, **2,5 йил** ичида тўлашингиз мумкин.

**Шошилинг! Акция фақат 2004 йил охиригача давом этади.**

Хизматлар лицензияланган

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

«ЎзДЭУавто» компаниясининг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

Маълумот учун телефонлар: 68 2410, 67 9774



**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!** Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!



«ГАЗ-31105»



«ГАЗ-3102»

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.



«ВАЗ-2106»



«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.



*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!*

*Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси*

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. **Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳри, Абай номли ҚФЙдаги 450 нафар ўқувчи ва 50 та ётоқ ўринли касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда (калити билан) қайта таъмирлаш.**
   *Қурилиш ва таъмирлаш ишларини тугаллаш муддати — 2005 йил 20 сентябргача.*
2. **Жиззах шаҳридаги «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»ни фойдаланишга тайёр ҳолда (калити билан) қуриш (I-босқич).**
   *Қурилиш ва таъмирлаш ишларини тугаллаш муддати — 180 кун.*

***Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси. Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-30-11, 222-31-59.***
***Қурилиш ва таъмирлаш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: *устав сармояси миқдори, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларга ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари ҳамда ўз кучи билан ўхшаш объектларни қуриш бўйича иш тажрибаси борлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эгалиги.*

Танлов савдоларида иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 63-уй, 426 ва 426-а хоналарда жойлашган Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш сўралади. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-05-42.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

*Оферталар тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш кунигача қабул қилинади ва эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг соат 17.00 да қуйидаги манзилда кўриб чиқилади: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси, кичик мажлислар зали).*



O'zLotto

O'ZLOTTO KUNDALIK

| кетма-кет тўғри топилган сонлар миқдори | Ютуқ (сўм) \ тушган рақамлар | 27.09.04 | 28.09.04 | 29.09.04 | 30.09.04 | 01.10.04 | 02.10.04 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 8 0 1 6 | 9 6 3 1 | 0 6 8 5 | 1 9 0 5 | | 3 2 4 4 |
| | | Ютуқли ставкалар сони | | | | | |
| 4 | 200 000 | 0 | 1 | 0 | 3 | | 0 |
| 3 | 2 000 | 29 | 17 | 17 | 28 | | 24 |
| 2 | 200 | 295 | 239 | 227 | 335 | | 495 |
| 1* | 100 | 1 003 | 587 | 776 | 980 | | 1 363 |

* биринчи ёки тўртинчи устунлардаги тўғри топилган сонлар

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: ? ? ? ? ? ?

O'ZLOTTO 6 30 биринчи тиражини томоша қилдингизми?

1-тиражининг ҳисоботи O'ZLOTTO 6 35

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 34 1 35 26 25 6

Ўйналган ютуқлар: Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 2 октябрь

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди (сўм) | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 71 765 848 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 586 494 | 1 | 586 494 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 175 957 | 51 | 3 450 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 175 957 | 483 | 364 |

Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 9 октябрь куни ўтказилади

Тўкин ҳаёт сари! Лицензия №000001 Тошкент, Ниёзбек йўли,24 тел. 136-70-69


«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» ва «Экономический вестник Узбекистана» таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги экспертизадан ўтказиш кенгаши бўлим бошлиғи
**Саидбурхон Ёқубович МАҲМУДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директори ўринбосари
**Ғайрат Аминович АБИДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси агентликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси Н. Шорахмедовга опаси
**Муҳаббат КЕНЖАБАЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси МҚ компания ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Иброҳимхўжа Файзуллаевга волидаи муҳтарамаси
**СОФИЯ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент молия институти жамоаси Микро ва макроиқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси Умида Мухторовага отаси
**Карим МУХТОРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 1.30 Топширилди — 1.30 1 2 3 4 5 6